

## МАЪЛУМОТНОМА

29 октябрь 2021 йил

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 21.09.2021 йилдаги 2693-ЮР-сонли топшириқ хатига асосан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган байрам тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар бўйича ўрганиш ўтказилди.

Ўрганиш “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармасининг хизмат хонасида ўтказилди.

Ўрганишга 19 452 326,69 минг сўм қийматидаги шартнома ва илова ҳужжатлари тақдим қилинди. Ўрганишга тақдим қилинган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси раҳбарияти ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ масъул ҳисобланади.

Байрам тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасига мувофиқ жами харажатлар 19 452 326,69 минг сўмни, солиқ ва қўшимча харажатлар билан биргаликда 22 487 016,8 минг сўмни ташкил этган.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 19.10.2021 йилдаги 3007-ЮР-сонли топшириқ хати билан тақдим қилинган ҳужжатларга мувофиқ байрам тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасига мувофиқ жами харажатлар 21 592 894,31 минг сўмни, солиқ ва қўшимча харажатлар билан биргаликда 24 082 426,82 минг сўмни ташкил этган.

26.07.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган байрам тадбирига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилган ва йиғилиш баёни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган. Мазкур йиғилиш баёнида маданий тадбирларни ўтказиш бўйича буюртмачи этиб – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, бош пудратчи этиб “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ тайинланган.

Баённомада шунингдек, байрамга бағишланган асосий театрлашган томошани юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланиши белгиланган.

Йиғилиш баёнида белгиланган топшириқдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар сметаси ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Б.Ахмедов томонидан тасдиқланган. Баённомага мувофиқ

“Оммавий халқ байрамлари” МЧЖга 5 384 200,0 минг сўм аванс тўлови амалга оширилган.

Ўрганиш жараёнида “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ва “Ўзбекконцерт” Давлат муассаси томонидан қуйидаги тўлов учун асос бўлувчи хужжатлар шакллантирилиши таъминланди:

1. "Оммавий байрам безаклари" МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 12.08.2021 йилда сахнани безаш ва декорацияларни тайёрлаш юзасидан 09-сонли 625 708,96 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган.
2. "Technolog-Plast " МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 29.07.2021 йилда айланувчи сахна ва зинапояли подиум ясаш ва ўрнатиш юзасидан 2-сонли 1 669 039,3 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага 1-сонли бажарилган ишлар далолатномаси, калькуляция, сахна ва подиумларни тайёрлаш бўйича техник чизмалари илова қилинган.
3. "Firdavs-Zohid Savdo" МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 30.08.2021 йилда гилам ва ковролан олиш, ҳамда ковроланни тўшаш учун 42-сонли 86 691,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. 7-сонли 22.05.2021 йилда электрон тасдиқланган ҳисоб-фактура илова қилинган.
4. "Ўзбекистон" НМИУ ДУК ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 30.08.2021 йилда 173-21/559-21-сонли дастур, аннотация ва маълумотнома тайёрлаш юзасидан 23 635,78 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
5. "Swell Place" МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 27.08.2021 йилда 27/08-сонли бежиклар тайёрлаш юзасидан 9 430,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
6. "Джаббаров З.И." ИП ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 27.08.2021 йилда 97-08-сонли рухсатномалар тайёрлаш юзасидан 9 456,2 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
7. Байрам тадбири иштирокчилари-ижодий гуруҳ аъзоларини махсус оёқ кийим билан таъминлаш учун ЯТТ "Зоҳидов Гайратжон Бахтиёр ўғли" ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 26.07.2021 йилда 64 000,0 минг сўмлик 45-сонли, 06.08.2021 йилда 62 550,0 минг сўмлик 46-сонли, 13.08.2021 йилда 18 925,0 минг сўмлик 47-сонли, 16.08.2021 йилда 45 900,0 минг сўмлик 48-сонли ва 16.08.2021 йилда 24 000,0 минг сўмлик 50-шартномалар имзоланган. Шартномага ҳисоб-фактура илова қилинган.
8. ЯТТ "Ким Павел Михайлович" ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 23.08.2021 йилда байрам дастури учун 3Д анимацион роликларни тайёрлаш учун 27 500,0 минг сўмлик 14-сонли шартнома имзоланган. Шартномага тўлов учун асос бўлувчи 07.10.2021 йилдаги 17-сонли счет-фактура илова қилинган.

9. Болалар вокал-ракс ансамбли “Томоша” (Айланай болажон) ижодий гуруҳи томонидан тақдим этиладиган сахна асари учун “Айланай болажон” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 09.08.2021 йилда 2-сонли 65 267,37 минг сўмлик шартнома имзоланган. Тўлов учун ҳисоб фактура ва ижодий гуруҳ аъзоларининг байрам тадбири ва репетицияларга қатнови тўғрисида маълумотлар тақдим этилган.
10. Ўзбек Давлат цирки Давлат муассасаси ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 18.08.2021 йилда 15-сонли ҳайвонлар ва артистлардан ташкил топган карвон томошасини ташкил этиш юзасидан 136 472,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага асосан тўлов учун асос бўлувчи юк хати, ҳисоб-фактура ва калькуляция илова қилинган.
11. "Positive Influence Garment" МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 06.05.2021 йилда сахна кийимларини тайёрлаш бўйича 334-сонли 392 209,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
12. Байрам тадбирида иштирок этувчи орқа фон гуруҳи, болалар ижодий гуруҳлари ва классик балет ва аёллар оркестр жамоалари учун сахна кийимлари, герб ва бир марталик гигиеник никоблар тайёрлаш учун “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ “Samo Art Academy” МЧЖ билан 30.07.2021 йилда 5-сонли 258 148,17 минг сўмлик, 31.07.2021 йилда 164 728,08 минг сўмлик ва 09.08.2021 йилда 48 970,14 минг сўмлик шартномалар тузган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
13. Байрам тадбирида иштирок этувчи ижодий гуруҳ аъзолари учун бош кийим ва тақинчоклар тайёрлаш учун “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ЯТТ “Исмаилов Жасур Рустам ўғли” билан 04.08.2021 йилда 3-сонли 31 680,0 минг сўмлик шартнома тузган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
14. Байрам тадбири иштирокчилари доирачилар ва солистларга сахна кийимларини тайёрлаш учун “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ “Орзу” хусусий корхонаси билан 06.08.2021 йилда 13-сонли 101 975,17 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган.
15. Болалар ижодий гуруҳи аъзоларини байрам тадбирига тайёргарлик кўришлари учун “Қибрай” болалар соғломлаштириш лагери ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 09.08.2021 йилда 09108-сонли 333 023,0 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб фактура ва калкуляция илова қилинган.
16. "Color Pak" МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 26.08.2021 йилда 532-сонли таклифнома ва рухсатномалар тайёрлаш юзасидан

573 948,49 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага асосан юк хати, ҳисоб-фактура тақдим этилган.

17. Ижодий гуруҳ ва тадбир ташкилотчиларини оқ футболка ва бош кийим (кепки) билан таъминлаш мақсадида “United Trade System” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 03.08.2021 йилда 19.168,0 минг сўмлик 03/08УА-сонли шартнома имзоланган. Шартномага 05.08.2021 йилдаги 2005035403-сонли электрон ҳисоб-фактура илова қилинган.
18. Ижодий гуруҳ аъзолари учун улама сочлар тайёрлаш учун “Shoxibegim Textile” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 11.08.2021 йилда 49-сонли 23 850,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага калькуляция ва ҳисоб-фактура илова қилинган.
19. “Байрам наво” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида асосий байрам тадбири майдонида ренессанс блоки ва ҳарбийлар учун махсус штандартлар ва факеллар тайёрлаш ва ўрганиш учун 27.07.2021 йилда 147 907,28 минг сўмлик 21-сонли ва гелий газини аралаштирилган 10,0 минг дона ҳаво шарларини тайёрлаш тадбирда ишлатиш учун 20-сонли 237 795,66 минг сўмлик шартномалар имзоланган. Шартномага асосан бажарилган ишларни қабул-қилиш ва топшириш далолатномаси икки томонлама имзоланиб тасдиқланган.
20. “Hors Avto Trans” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 29.07.2021 йилда транспорт хизматини кўрсатиш бўйича 84-сонли 325 800,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура автобус нарядлари илова қилинган.
21. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 27.08.2021 йилда 24-сонли 165 948,6 минг сўмлик ва 19.08.2021 йилда 26-сонли 167 518,0 минг сўмлик шартномалар имзоланган. Шартномага юк хати, ҳисоб-фактура автобус нарядлари илова қилинган.
22. “Киностудия документарних и хроникальных фильмов” ДУК ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 02.08.2021 йилда байрам муносабати билан видеороликлар тайёрлаш бўйича 16-сонли 118 992,13 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномада бажариладиган ишлар сметаси, ҳисоби ва ҳисоб фактура илова қилинган.
23. “Иосис” ХТ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 02.08.2021 йилда 8/3-сонли овоз кучайтириш мосламаларини ўрнатиш бўйича 874 287,5 минг сўмлик шартнома имзоланган. Баённомага асосан репетиция ва асосий байрам дастури давомида жамият томонидан овоз кучайтириш мосламалари етказиб берилганлиги тўғрисида бажарилган ишлар далолатномаси қабул қилиниб икки томонлама имзоланиб тасдиқланган.

24. "Light Media Invest" МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида мажмуада метал конструкциялар ва ёритиш мосламалари ўрнатиш учун 11.08.2021 йилда 1 786 860,68 минг сўмлик 32У-сонли шартнома имзоланган. Шартномага ҳисоб фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган.
25. "Teleradiokompaniya Zo'r" МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 12.08.2021 йилда 218 413,75 минг сўмлик Телерадио мосламаларида Телерадио қурилмалари ва мосламаларидан тадбир давомида фойдаланиш бўйича 08122021-сонли ижара шартномаси тузилган. Шартномага далолатнома ва 08122021-сонли электрон ҳисоб-фактура илова қилинган.
26. Асосий байрам тадбирини тизимли дастур асосида чироклар ёритиш хизматини кўрсатиш учун "Tehnic-Production" МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 12.08.2021 йилда 14-сонли 259 150,0 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартнома бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура илова қилинган.
27. Ўзбекистон Республикаси Хореография академияси ҳудудида ижодий гуруҳ аъзоларининг репетиция қиладиган ҳудудида сетка ўрнатиш ва монтаж ишлари учун "Mehnat-Ishonch-Baraka" МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 28.07.2021 йилда 2-сонли 33 000,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага 1-сонли электрон ҳисоб фактура илова қилинган.
28. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган баённоманинг 14-бандига мувофиқ 1 август кунидан Тошкент шаҳар "Ёшлар ижод саройи" ННТ биноси коммунал тўловлар тўланган ҳолда ташкилий ишчи гуруҳ фаолияти ва бадиий жамоалар тайёргарлиги учун ижарага олинган. "Ёшлар ижод саройи" ННТ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 02.08.2021 йилда АП/27-21-сонли коммунал-эксплуатацион харажатларни қоплаш бўйича 78 821,88 минг сўмлик шартнома тузилган.
- Шартномага илова қилинган калькуляцияда харажатлар таркибига коммунал тўловлардан ташқари иш ҳақи, ЯИТ ва бошқа харажатлар ҳам қўшилганлиги ҳамда шартноманинг 1.2. бандида ижара муддати 2-31 август кўрсатилган бўлсада ижара муддатини 35 кунга ҳисоблангалиги маълум бўлди. Ижара муддатини 30 кунга ҳисоблаш ва ижара харажатлари таркибига калькуляцияда қайд этилган фақатгина коммунал тўловларни инобатга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинганида ижара тўловини 46 865,41 минг сўм ташкил этиши маълум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган баённоманинг 14-банди ва шартноманинг 1.2. бандига мувофиқ ижара тўлови учун **46 865,41 минг сўм** миқдорида белгилаш тавсия этилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган баённоманинг 13-бандига мувофиқ 1 август кунидан “Халқлар дўстлиги” саройи коммунал тўловлар тўланган ҳолда бадиий жамоалар тайёргарлиги учун ижарага олинган ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ билан 06.08.2021 йилда 41-сонли 50 000,0 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатнома илова қилинган.
- “Халқлар дўстлиги” саройи томонидан тақдим этилган калькуляцияда 07.08-11.08.2021 йил 5 кун муддатда ижара тўлови учун қилинган ҳисоб-китоблар ўрганиб чиқилганида электр-энергияси учун ҳисобланган тўловлар ҳақиқатда фойдаланилган кунлар учун олинмасдан йил давомида ишлаган кунлари ҳисобидан умумий олинганлиги маълум бўлди. “Халқлар дўстлиги” саройи томонидан тақдим этилган қўшимча ҳисоб-китоблар натижасида 7-11 августлари учун ижара тўлови коммунал тўловлардан келиб чиқиб 17 449,4 минг сўмни ташкил этганлиги сабабли назорат тадбири давомида ижара шартнома суммаси ҳам **17 449,4 минг сўмга** ўзгартирилиши таъминланди.
30. Коммунал тўловлар тўланган ҳолда бадиий жамоалар тайёргарлиги учун ижарага олинган “Туркистон” саройи учун Ўзбекистон Давлат Филармонияси ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ билан 06.09.2021 йилда 40-сонли 67 104,14 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатнома илова қилинган.
- Ўзбекистон Давлат Филармонияси томонидан тақдим этилган калькуляцияда ижара тўлови учун қилинган ҳисоб-китоблар ўрганиб чиқилганида калькуляцияда ҳақиқатда сарфланган коммунал харажатлар таркибида иссиқлик қуввати учун ҳам тўлов қайд этилганлиги маълум бўлди. Август ойида ҳақиқатда иссиқлик қувватидан фойдаланилмаганлигини инобатга олган ҳолда шартномада қайд этилган бир кунлик ижара тўлови 3 531,79 минг сўм ўрнига ҳақиқатда сарфланган коммунал тўловлардан келиб чиқиб 1 637,39 минг сўмдан ижара тўловини ҳисоблаб ижара шартномаси суммасини ҳам **31 110,49 минг сўмга** қайта ўзгартириш тавсия этилади.
31. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган баённоманинг 13-бандига мувофиқ 1 август кунидан Ўзбекистон Давлат Хореография академиясининг талабалар турар жойида ракс гуруҳларини туриши ва тайёргарлиги учун ижарага олинган ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ билан 02.08.2021 йилда 01/М-сонли 67 270,47 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартнома талабалар турар жойида яшаган бадиий жамоалар рўйхати, ҳисоб-фактура илова қилинган.
32. “Ёшлар ижод саройи” биносига кўриклаш постини ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриклаш бош бошқармаси

Тошкент шаҳар кўриқлаш бошқармаси ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ билан 02.08.2021 йилда 1-сонли шартнома тузилган. Шартномага асосан бир ойлик кўриқлаш хизмати 68 000,0 минг сўмни ташкил этган. Бажарилган ишлар далолатнома ва ҳисоб-фактура такдим этилган.

33. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган баённоманинг 6-бандида "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖга байрамга бағишланган байрам дастурига тайёргарлик жараёнларида иштирок этаётган раққосалар, ижодий ишчи гуруҳ аъзолари ва барча ижодкорларни белгиланган тартибда гонорар тўлаш чоралари кўрилиши белгиланган. Мазкур топшириқдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосари Б.М.Ахмедов томонидан асосий байрам дастури ва тайёргарлик жараёнларида иштирок этган барча ижодкорларни белгиланган тартибда меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тузилган ведомост тасдиқлаб берилган. Барча ижодий гуруҳ аъзолари билан белгиланган тартибда икки томонлама шартномалар тузилган. Жами 1137 нафар ижодий гуруҳ аъзолари учун гонорар тўлови ЯИТ билан бирга 2 875 439,87 минг сўмни ташкил этганлиги маълум бўлди.
34. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти монументи, асосий байрам тадбири ўтказиладиган боғ худуди, байрам сахнаси, Шаҳидлар хотираси майдонини табиий гуллар билан безатиш ва гулдасталар учун "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ЯТТ “Юлдашев Хасан Абралович” билан 24.08.2021 йилда 66-сонли 135 253,39 минг сўмлик, 25.08.2021 йилда 67-сонли 230 392,06 минг сўмлик, ЯТТ “Маюсупов Отабек Шухратжон ўғли” билан 24.08.2021 йилда 4-сонли 355 889,40 минг сўмлик, “Meadow” МЧЖ билан 24.08.2021 йилда 39-сонли 1 379 014,16 минг сўмлик ва “Тошкент Настарин гуллари” МЧЖ билан 24.08.2021 йилда 56-сонли 996 068,95 минг сўмлик, 25.08.2021 йилда 77-сонли 24 434,28 минг сўмлик шартномалар тузган. Байрам дастурида байрам сахнаси ва байрам майдонларини декоратив тирик гуллар билан безатишда ишлатилган табиий гуллар спецификацияси икки томонлама тасдиқланган. Шартномага илова қилинган далолатнома, ҳисоб фактура икки томонлама имзоланиб тасдиқланган.
35. “Мустақиллик 30 йиллик умумхалқ байрами” видеоролигини тайёрлаш учун “Қадрият филм” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 19.08.2021 йилда 19-08-сонли 30 013,74 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага бажарилган ишлар далолатнома ва ҳисоб-фактура илова қилинган.
36. Ижодий гуруҳ аъзоларини иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида “Вахтйорomad Oshyoni” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 28.07.2021 йилда 1-сонли 888 000,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага бажарилган ишлар бўйича жамланма далолатнома, калькуляция, меню ва электрон ҳисоб-фактура илова қилинган.

37. Ижодий гуруҳ аъзоларини иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида “Aylin Phar Mex Clusive” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 25.07.2021 йилда 10-сонли 729 575,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага бажарилган ишлар бўйича жамланма далолатнома, калькуляция, меню ва электрон ҳисоб-фактура илова қилинган.
38. Ижодий гуруҳ аъзоларини тайёргарлик жараёнида ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Ferette Botllers” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 23.07.2021 йилда 99-сонли 1 350,0 минг сўмлик ва 100-сонли 2 520,0 минг сўмлик 100-сонли шартномалар тузилган. Шартномаларга электрон ҳисоб-фактуралар илова қилинган.
39. Ижодий гуруҳ аъзоларини иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида “Эркин барака палов” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 31.07.2021 йилда 06-сонли 14 345,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага бажарилган ишлар бўйича жамланма далолатнома, калькуляция, меню ва электрон ҳисоб-фактура илова қилинган.
40. Ижодий гуруҳ аъзоларини иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида “Muyassar-Robiya” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 28.07.2021 йилда 4-сонли 888 000,0 минг сўмлик шартнома имзоланган. Шартномага бажарилган ишлар бўйича жамланма далолатнома, калькуляция, меню ва электрон ҳисоб-фактура илова қилинган.
41. Ижодий гуруҳ аъзоларини тайёргарлик жараёнида ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Tashcatering” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 02.08.2021 йилда 104-КП-сонли 81 579,0 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага электрон ҳисоб-фактуралар илова қилинган.
42. Ижодий гуруҳнинг ансамбл қисми учун рақс кийимларини тайёрлаб бериш учун “Shoxibegim Textile” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 10.08.2021 йилда 1-сонли 23 850,0 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб-фактура илова қилинган.
43. Ижодий гуруҳ аъзолари учун рақс кийимларини тайёрлаб бериш учун “Raqs Mubina Servics” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 02.08.2021 йилда 9-сонли 149 642,63 минг сўмлик, 18.08.2021 йилда 11-сонли 172 464,03 минг сўмлик ва 27.08.2021 йилда 12-сонли 130 271,85 минг сўмлик шартномалар имзоланган. Шартномага калькуляция ва ҳисоб-фактуралар илова қилинган.
44. Ижодий гуруҳнинг ансамбл қисми учун рақс кийимларини тайёрлаб бериш учун “Salima chevar” МЧЖ ва "Оммавий халқ байрамлари" МЧЖ ўртасида 16.08.2021 йилда 6-сонли 221 351,69 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб-фактура илова қилинган.



45. Ижодий гуруҳнинг рақс кийимларига мос келувчи бош кийимларни тайёрлаб бериш учун “Mehrinigor” ОК ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 25.08.2021 йилда 3-сонли 15 600,0 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб-фактура илова қилинган
46. Ижодий гуруҳнинг хор, оркестр ва эстрада йўналишидаги эркакларга мўлжалланган костюмлар тайёрлаб бериш учун “Ideal Business Center” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 25.08.2021 йилда 33-2021-сонли 237 064,3 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага ҳисоб-фактура илова қилинган.
47. Асосий байрам дастурида байрамона дастурхон тайёрлаш учун “Mimar Group” ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 691 393,9 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага икки томонлама имзоланган бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган.
48. Асосий байрам кунида байрамона дастурхон тайёрлаш учун “Sky Events” ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 28.08.2021 йилда 54-сонли 990 090,94 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага асосан икки томонлама келишув имзоланган. Шартномага икки томонлама имзоланган бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган. Мутахассис йўклиги сабабли калькуляцияда қайд этилган озиқ-овқат нархларининг ҳақиқатда бозор баҳолари доирасида олинганлиги юзасидан ўрганиш имконияти бўлмади.
49. Асосий байрам дастуридан олдин Шаҳидлар боғида байрамона дастурхон тайёрлаш учун “Sky Events” ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида 26.08.2021 йилда 50-сонли 456 188,32 минг сўмлик шартнома тузилган. Шартномага асосан икки томонлама келишув имзоланган. Шартномага икки томонлама имзоланган бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган.
50. “Media Line” МЧЖ ва “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ ўртасида баннерлар тайёрлаш, ўрнатиш, сахна ортини ёпиш ва декорация ишлари учун 18.08.2021 йилда 299 575,0 минг сўмлик 78-сонли шартнома имзоланган. Шартномага икки томонлама имзоланган калкуляция ва бажарилган ишлар далолатномаси илова қилинган.
51. Ижодий гуруҳ аъзолари учун байрам либосларини реставрация қилиш, флагшток ва ренессанс сахна кўриниши учун керакли буюмларни тайёрлаш учун ва ўрганиш учун “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ “Байрам наво” МЧЖ билан 12.08.2021 йилда 24-сонли 43 409,1 минг сўмлик ва “Вах Dry Cleaning” МЧЖ билан 23.08.2021 йилда 1-сонли 2 574,0 минг сўмлик шартномалар имзолаган. Шартномага асосан бажарилган ишларни қабул-қилиш ва топшириш далолатномаси икки томонлама имзоланиб тасдиқланган.

Бош пудратчи “Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ билан шартнома тузган субпудрат ташкилотлари томонидан етказиб берилган товар ва хизматларнинг

нархларини бозор баҳоларига мослигини аниқлаш мақсадида тегишли ваколатга эга корхоналар орқали экспертизадан ўтказиш, байрам дастури давомида етказиб берилган берилган товар ва хизматларни ҳақиқатда етказиб берилганлигини тасдиқлаш мақсадида ижодий гуруҳ ва ташкилий ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида байрам тадбирига 26.07.2021 йилдан кимлар иштирокида тайёргарлик бошланганлиги тўғрисида қўшимча маълумотларни, товар-моддий бойликларни ташкилий ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида буюртмачи “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси жавобгарлигига топшириш ва байрам дастури давомида фойдаланилган ва бошқа фойдаланишга яроқсиз бўлган товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ва белгиланган тартибда хужжатларни расмийлаштириб Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси ва “Ўзбекконцерт” давлат муассасасига тақдим қилиш тўғрисида маълум қилинди.

Ўрганиш жараёнида жами 21 447 995 823,9 сўмлик шартнома ва унга тегишли илова хужжатларни тўлиқ жамланиши таъминланди, тақдим қилинган шартнома ва унга илова қилинган хужжатларга асосан байрам тадбири учун етказиб берилган жами товар ва хизматлар солиқ ва мажбурий тўловлар (бош пудратчининг солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва банк хизматлари) билан бирга 23 930 815 147,25 сўмни ташкил этиши маълум бўлди.

Молия Вазирлигининг  
Тошкент шаҳридаги Давлат  
молиявий назорати бошқармаси  
бўлим бошлиғи ўринбосари

  
М.Н.Темиров

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси  
директори в.в.б.



Ж.Э.Узоков

“Оммавий халқ байрамлари” МЧЖ  
директори



И.К.Ядгарова